

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛИЁРОВ УМИРЗОҚ ЭРГАШОВИЧ

**ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холиёров Умирзоқ Эргашович

Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш йўллари..... 3

Холиёров Умирзоқ Эргашович

Пути повышения эффективности выращивания сельскохозяйственной продукции на землях лесного фонда 25

Kholiyorov Umirzok Ergashovich

Ways to improve the production efficiency of agricultural products on forest fund lands..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 53

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛИЁРОВ УМИРЗОҚ ЭРГАШОВИЧ

**ЎРМОН ФОНДИ ЕРЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/Iqt4664 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султанов Баходир Файзуллаевич,
иктисодиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшан Вахидович,
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Инобатов Аброр Бошларович,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етақчи ташкилот:

Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил “_____” _____ кун тарқатилди.

(2025 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Табiiй ресурслар, айниқса, ер фонди тақсимотида кейинга даврларда саноат, қурилиш тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларига берилаётган эътибор сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун мўлжалланган ер майдонларининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боис, мамлакатлар миллий иқтисодиёти ва тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш зарурати ҳамда яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолининг экологик тоза органик озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш масаласи тобора жиддий тус олмоқда. Шунингдек, сайёрамизда глобал иқлим ўзгариши, турли техноген, эпидемиологик ва бошқа салбий омиллар таъсирининг кучайиши қишлоқ хўжалиги ерлари мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши, сув ресурслари ифлосланиши, тупроқлар таркибий элементлари ва унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Бу ҳолатлар, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ва сифатининг камайишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам, ҳозирги шароитда ва истиболда ўрмон фонди ерларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадларида тўлиқ фойдаланиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг ўрмон хўжалиги мавжуд ва ривожланган давлатларда ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни ташкил этиш, янги ер майдонларини яратиш ва уларни ёнғинлардан сақлаш мақсадида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш механизмлари жорий этиб келинмоқда ва бугунги кунда ўзининг юқори самарасини бермоқда. Ўрмон фондининг нафақат қишлоқ хўжалиги учун, балки, туризм ва соғломлаштириш масканларини ривожлантиришдаги иқтисодий-ижтимоий аҳамияти жиҳатидан ҳам дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказ ва муассасаларида бу соҳаларда кенг қўламли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Буларга, жумладан, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий, ижтимоий-экологик асосларини такомиллаштириш ҳамда экологик таъсирини ўрганиш, ўрмон ва қишлоқ хўжалиги (агроўрмончилик)нинг ўзаро интеграциялашган бошқарув моделларини ишлаб чиқиш, ўрмон хўжалигида дронлар, ГАТ (географик ахборот тизимлари) ва ахборот технологиялари каби замонавий усулларни қўллаш, ўрмон фонди ерлари хусусиятларига мос экин турларини яратиш ва жойлаштириш, уларнинг иқлим ўзгаришига таъсирини ҳамда тизим хизматларини баҳолаш каби йўналишларни киритиш мумкин.

Маълумки, республикамизнинг энг асосий табiiй бойликларидан бири бу унинг деярли барча ҳудудларидаги ўрмонлар ҳисобланади. Шу боис, улардан самарали фойдаланиш йўналиш ва чора-тадбирларига давлат даражасида асосий эътибор қаратилмоқда ҳамда ўз ижобий натижасини бермоқда. Аммо, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида фан-техника ютуқларини жорий этиш, тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, хорижий инвестициялар жалб этиш ва инвестицион жозибадорлигини

ошириш, экологик туризмни ривожлантириш ва ўрмончилик тизими самарадорлигини ошириш йўналишларига боғлиқ айрим муаммо ва камчиликларнинг бугунги кунда етарлича ҳал этилмаганлиги тармоқдаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Шу боис, ушбу йўналишларга оид мақсадли тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-амалий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблик касб этади ва зарурият бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 11 майдаги ПФ-5041-сон “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонлари ва 2023 йил 31 майдаги ПҚ-171-сон “Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 21 декабрдаги “Давлат ўрмон фонди ер майдонларидан фойдаланишда ижара муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 674-сон Қарори ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўрмон фонди ерларидан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш, ўрмон хўжалиги тизимини ташкил қилиш ва ривожлантириш, ўрмонзорлар ҳисобига яшил майдонларни кўпайтириш ва атроф-муҳит тозалигини таъминлаш, ижтимоий соҳаларда фойдаланиш, табиий ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ва ноанъанавий маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш каби муҳим муаммолар бўйича маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар томонидан эътиборга лойиқ фундаментал ва илмий-амалий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан, айнан ўрмон хўжалиги ресурслари ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича фундаментал тадқиқотлар Россия, Белоруссия ва Украина давлатлари иқтисодчи олимлари Лотош В.Е., Неверов А.В., Ельчев Н., Четверев В.И.¹ кабилар томонидан олиб борилган ва эътирофга молик натижалар олинган.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида табиий ресурслар ва ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ўрмон мелиорацияси тадбирларини самарали ташкил этиш, тоғ ва тоғолди ҳудудлар, яйловлардан фойдаланиш каби йўналишларда У.П.Умурзаков, К.А.Чариев, Н.С.Хушматов, А.С.Алтиев, А.С.Чертовичкий, Ш.К.Нарбаев, Б.Ф.Султанов, Ғ.Қ.Кумзуллаев,

¹ Лотош В.Е. Экономика природопользования. – Екатеринбург: Полиграфист, 2007. – 449 с.; А.В.Неверов, А.В.Равино и др. Экономика природопользования. – Минск: Колорград, 2016. – 400 с.; Ельчев Н.М., Туркевич И.В. Воронков П.Т. Теоретические и методические вопросы совершенствования лесных такс // Проблемы совершенствования механизма управления лесным хозяйством: Сб. науч. тр. – М.: ВНИИЛМ, 1991. – С. 24 – 33.; Четверев В.И. Экономическая эффективность использования природно-ресурсного потенциала: дис. ... к.э.н.: – М.: 1997.

А.Б.Инобатов² каби маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан диққатга сазовор кенг қамровли ва фундаментал илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилган. Шу ўринда айтиш лозимки, юқорида номлари қайд этилган олимларнинг тадқиқот ишларида асосий эътибор қишлоқ хўжалиги ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, тармоқларни худудлар шароитига мос жойлаштириш ва ихтисослаштириш, ер-сув, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, хўжалик юритиш субъектлари самарадорлигини ошириш ва баҳолаш каби муаммолар ечимига қаратилган. Аммо, таҳлиллар кўрсатишича, республика ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш, ўрмон хўжалиги тизимида табиий ресурслардан фойдаланиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммолари айрим ишларда қисман ўрганилган бўлсада, масаланинг илмий-назарий ва услубий-амалий, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари комплекс тарзда алоҳида тадқиқот доирасида етарлича тадқиқ этилмаган. Айниқса, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш самарадорлигини ошириш, соҳани давлат томонидан ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ўрмон хўжалиги тизимини бошқариш ва модернизациялаш билан боғлиқ муаммолар кенг кўламда тадқиқ этилмаганлиги боис, мазкур диссертация мавзусини танлашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш самарадорлигини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва йўналишларини илмий-амалий асослаш, унга таъсир этувчи омиллардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ хўжалик юритиш субъектлари ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатлар тизимини такомиллаштириш;

ўрмон хўжалигини барқарор ривожлантириш ҳамда ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни самарали ташкил қилишга доир хорижий давлатлар тажрибасини тадқиқ қилиш ва улардан республикамизнинг ўрмон хўжалигида фойдаланиш йўллари асослаш;

² Умурзаков У.П. Пути повышения эффективности использования ресурсного потенциала аграрного сектора экономики: авт. дис. д.э.н – Т.: 2003.; Чориев К.А. Проблемы аграрного ресурсного потенциала в условиях перехода к рынку. – Т.: Фан, 1992. – 182 с.; Хушматов Н. Грек ёнгоғи етиштиришда харажатларни тежаш. //Agro hidro NEWS. – №10. 2020. – Б.18-19.; Алтиев А.С. Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш: авт. ... DSc. – Т., 2018. – 40 б.; Чертовичкий А.С., Нарбаев Ш.К., Якубов А. Рекомендации по системной организации пастбищного землепользования в Республике Каракалпакстан. // – Ташкент-Нукус, 2020. – 32 с.; Султанов Б.Ф. Қишлоқ хўжалигида мелиоратив тадбирлар самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. авт. ... и.ф.д., 2018 й.; Кумзуллаев Г.К., Молчанова А.И., Кайимов А.К. Рекомендации по размещению полевых защитных полос на орошаемых и богарных землях. – Т.: 1977. – 21 с.; Инобатов А. Дехқон хўжаликларида грек ёнгоғини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўналишлари: авт.... дис. и.ф.ф.д. – Т.: 2023.

ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш имкониятлари ва самарадорлигининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

ўрмон фонди ерларида маҳсулот етиштиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш йўналиш ва механизмларини илмий асослаш;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг таркибий-ташкилий механизмларини такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича услубий-амалий таклифлар тайёрлаш;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг истиқболга мўлжалланган прогноз параметрларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида республикамиз ўрмон фонди ерларида фаолият юритаётган хўжаликлар ва монографик тадқиқотлар олиб борилган Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ хўжалик субъектлари ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий таҳлил, абстракт-мантикий фикрлаш, иқтисодий-статистик, монографик ўрганиш, таққослаш, эксперт баҳолаш, индекс ва иқтисодий-математик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларга ижарага беришда ижара тўловлари миқдорини худудларнинг географик жойлашуви, экин тури ҳамда иқтисодий самарадорлигини инобатга олган ҳолда табақали ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган ва таклиф этилган;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларни давлат томонидан кредит, солиқ ва субсидиялаш каби дастаклар ёрдамида қўллаб-қувватлаш механизмлари асосланган;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ўртасида кооперацион муносабатларни ривожлантириш, уларнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш мақсадида “Агроўрмон бирлашмалари”ни ташкил этиш ҳамда уларни иқтисодий рағбатлантириш йўллари асосланган;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконияти мавжуд бўлган ер майдонлари, ижарага берилган ер фонди ҳамда соҳага киритилаётган инвестициялар каби омилларни инобатга олган ҳолда маҳсулот етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2029 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий давлатларнинг ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш бўйича аҳамиятга молик тажрибалари умумлаштирилган ҳамда республикамиз ўрмон хўжалигида жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланган;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини давлат томонидан имтиёзли қўллаб-қувватлаш орқали ўрмон хўжалиги тизими самарадорлигини оширишга қаратилган амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро боғлиқ иштирокчи субъектлар ҳамкорлигида кооперация

шакл ва муносабатларини ривожлантириш бўйича илмий-услубий асосланган тавсиялар тайёрланган;

Ўрмон фонди ерларида етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми бўйича прогноз кўрсаткичларига эришиш мақсадида истиқболда амалга ошириладиган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг ишончлилиги унда қўлланилган илмий-услубий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, статистик маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлиги, Ўрмон хўжалиги агентлиги расмий статистик ҳамда монографик ўрганилган хўжаликлар маълумотларидан фойдаланилганлиги ва илмий янгиликларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий тавсиялар ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ўрмон фонди ерлари хусусиятларини илмий-назарий асослаш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Ўрмон хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар ушбу тармоқ фаолиятига боғлиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, хўжаликлар раҳбар-мутахассислари ва аҳолининг ҳуқуқий билим ва малакаларини бойитиш мақсадларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрмон хўжалиги тизимини рақамлаштириш ва самарадорлигини ошириш, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таркибини ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларни шакллантириш, ҳукумат қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек, тармоқ ОТМларида тегишли фан йўналиши бўйича таълим жараёнида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий ва амалий тавсиялар натижалар асосида:

ўрмон фонди ерларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларга ижарага беришда ижара тўловлари миқдорини табақали ҳисоблаш усули Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2024 йил 11 ноябрдаги 03/18-6013-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг иқтисодий салоҳияти, жойлашган жойи ва маҳсулот турига нисбатан бозор конъюнктураси таъсирида талаб ва таклифнинг ҳамда нархларнинг шаклланишини эътиборга олган ҳолда ижара тўловларини табақали белгилаш орқали молиявий қўллаб-қувватлаш имконияти яратилади;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларини давлат томонидан имтиёзли қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгари-

ши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2024 йил 11 ноябрдаги 03/18-6013-сон маълумотномаси). Натижада ҳудудлар шароити ва имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўрмон фонди ерларини тоғ ва тоғолди, чўл ва адир, водий каби зоналарга ажратиб, жумладан, тоғ зонаси учун ҚМСда, чўл зонаси учун ҚМСнинг 50 фоизи ва водий зоналари учун ҚМСнинг 75 фоизи ставкасида имтиёзли кредит ажратиш, ҳосил суғуртаси мукофотининг 50 фоизини Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб бериш, узоқ йиллар ичида ҳосилга кирадиган мевали боғларни ташкил этган хўжаликларга ҳар 1 гектарга базавий ҳисоблаш миқдорининг (БХМ) 3 баробари, манзарали дарахтлар (павлония, арчалар, тераклар, кўп йиллик манзарали гуллар ва б.)ларни парваришлашда БХМнинг 2 баробари миқдорида субсидиялар ажратиш ўрмон хўжалигида фаолият юритаётган субъектларнинг молиявий имкониятларини оширади;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ўртасида кооперацион муносабатларни ривожлантириш мақсадида “Агроўрмон бирлашмалари”ни ташкил этиш таклифи Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2024 йил 11 ноябрдаги 03/18-6013-сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон фонди ерларининг минтақавий хусусиятлари ва тоифасидан келиб чиққан ҳолда табақали суғурталаш усули, хусусан, чўл минтақасида жойлашган ўрмон фонди ерларида ҳосил суғуртасининг 70 фоизи, тоғ олди минтақасида жойлашганларга ҳосил суғуртасининг 50 фоизи, яйлов ерларида жойлашган ерларда эса 30 фоизини, органик маҳсулот етиштиришни ташкил этган ҳамда тегишли сертификатларни олган бирлашмалар учун етиштирилган маҳсулот таннархи ҳамда бозордаги ўртача баҳо орасидаги фарқнинг 50 фоизини субсидиялаш орқали рағбатлантириш, етиштирилган маҳсулотнинг шаклидан (товар ёки натурал) келиб чиққан ҳолда имтиёзли кредитлашда бирлашмада натурал маҳсулот етиштирилган бўлса ва оила эҳтиёжлари учун сарф этилса, қайта молиялаш ставкасидан 4 пункт юқори фоизларда ҳамда камида 60 фоизи товар маҳсулот сифатида бозорга тақдим этилса қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизи миқдорида имтиёзли кредитлар ажратиш асосида тармоқни барқарор ривожлантириш имкониятлари яратилади;

ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш имконияти мавжуд бўлган ер майдонлари, ижарага берилган ер фонди ҳамда соҳага киритилаётган инвестициялар каби омилларни инобатга олган ҳолда маҳсулот етиштириш ҳажми ўзгаришининг 2029 йилгача бўлган прогноз кўрсаткичлари Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги агентлигининг 2024 йил 11 ноябрдаги 03/18-6013-сон маълумотномаси). Ҳисоб-китоб натижаларига асосан 2029 йилга бориб, Қашқадарё вилояти ўрмон хўжалиги тизимидаги мавжуд ва янги ўзлаштирилган ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 5787,8 тоннани ташкил этиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жами 5 та, шу жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналлар ва конференцияларда 4 та, 6 та республика илмий-амалий конференция тўпламларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 143 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг ўзига хос хусусияти ва талаблари, унга таъсир этувчи омиллар туркумларга ажратилган ва илмий-услубий жиҳатдан тадқиқ этилган, шунингдек, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини такомиллаштириш ва барқарор ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар тажрибаси умумлаштирилган ҳамда уларни республикамиз ўрмон хўжалигида қўллаш имкониятлари ва йўналишлари асослаб берилган.

Махсус адабиётлар таҳлили ва тадқиқот натижалари кўрсатишича, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш юзасидан асосан қуйидаги икки йўналишга хос бўлган илмий ёндашувлар шаклланган. Жумладан:

биринчи ёндашувга кўра, табиий ўрмон дарахтларини кесиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун янги ерларни ўзлаштириш ва унинг иқтисодий-экологик жиҳатлари ва самарадорлигини ўрганиш;

иккинчи ёндашувга асосланган гуруҳ олимлари эса, ўрмонзорлари тарқоқ бўлган, ўрмонлар асосан “яшилликни сақлаб қолишга” (green care) қаратилган ҳолда ташкил этилган минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш муаммоларини тадқиқ қилиш муҳим деб ҳисоблашади.

Бизнингча, ҳар иккала ёндашувни илгари сурган олим ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳаза ва қарашларида маълум бир фарқли жиҳатлар бўлсада, бироқ, қўйилган асосий мақсад, яъни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, маҳсулотлар ҳажминини кўпайтириш нуқтаи-назардан бир-бирларига ҳамоҳангдир. Масалан, биринчи ёндашувга асосан,

табий ўрмонзор ҳудудларидаги дарахтларни кесиш ҳисобига янги ерларни ўзлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳажмини кўпайтириш ўзининг қисқа муддатли иқтисодий самарасини бериши билан биргаликда ўрта муддатли даврда содир бўладиган жиддий экологик муаммолар сабабли бошқа майдонлардаги экинлар вегетация тадбирлари ва ҳосилдорлигига салбий таъсири юқори бўлади. Шу боис, ушбу ёндашувга асосланган тадқиқотлар илмий хулосаларини маълум маънода қўйилган мақсад, мавжуд вазият ва шароитларни инобатга олган ҳолда қўллаб-қувватлаш мумкин. Аммо, кўплаб давлатлар қаторида мамлакатимизда ҳам аксарият ҳудудлардаги ўрмонзорлар “яшилликни сақлашга” (green care) қаратилган шароитда ушбу майдонларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экологик мувозанатни бузмаган ҳолда етиштириш ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий.

Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишнинг усул ва воситаларидан бири сифатида ушбу соҳа фаолиятини илмий асосда ташкил этиш, бошқариш, ижтимоий онг (билим, кўникма, малака, ресурсларни асраб-авайлашга бўлган муносабат ва ш.к.)ни шакллантириш ҳамда иқтисодий механизмлар ва экологик муносабатларни тўлиқ модернизация қилиш талаб этилади. Бошқача айтганда, тармоқни модернизация қилишнинг барча ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва экологик воситаларини жорий этиш бутун бир янгича муносабатлар мажмуини яратиш нафақат ўрмонзорларни кенгайтириш, биохилма-хилликни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш билан бирга турли фаолият йўналишларини ташкил этиш орқали тармоқ салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратади. Модернизациялаш нафақат ўрмончилик хўжаликларининг асосий фаолиятига, балки, уларда кўшимча фаолият турларини кенгайтириш, шунингдек, мавжуд саноат, хизмат кўрсатиш ва рекреацион, экотуризм ва агротуризм соҳалари ривожига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Илмий манбалар таҳлили ўрмон хўжаликлари фаолиятини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш бўйича бир-биридан фарқ қилувчи икки хил қараш (ёндашув)лар мавжудлигини кўрсатмоқда. Масалан, биринчи илмий ёндашув тарафдорлари бўлган олимлар ўрмон хўжалигини “анъанавий” паст даражада модернизациялашган ва инновацион ривожлантириш имкониятлари чекланган тармоқ эканлигини қайд этиб, унда асосан турдош бўлган бошқа тармоқлар учун жорий этилаётган инновацион ишланмалардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Иккинчи ёндашув тарафдорлари эса, ўрмончилик тармоғи ўзининг узок “анъанавий” ривожланиш тарихига ва бевосита ўзига хос жиҳатларга эгаллигига эътибор қаратиб, соҳада ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдан кўзланган асосий мақсад истеъмолчилар талабига боғлиқлиги нуқтаи-назардан эмас, балки, якуний натижа ва стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда белгиланиши лозимлигини қайд этганлар. Бизнингча, юқорида қайд этилган ёндашувлар бошқа тармоқлардан фарқли равишда ўрмон хўжалигини модернизация қилиш ва инновацион ривожлантиришга бевосита таъсир этувчи омилларни қуйидаги йўналишлар бўйича ажратишга асос бўлиб хизмат қилган, яъни:

– ўрмон хўжалигида ишлаб чиқаришнинг давомийлигини таъминлашнинг асосий омили бу қайта тикланувчи табиий ресурслар, яъни, ер унумдорлиги,

сув ресурслари, турли табиий мевали дарахт ва ўсимликлар, ёғоч материаллари ва шу кабиларнинг доимий мавжуд бўлиши;

– ўрмон хўжалиги жойлашган ҳудуд, ундаги табиий-иқлим омиллари ва шароитларининг бир-биридан фарқланиши ўз навбатида ўрмонларнинг табиий таркиби ва маҳсулдорлигига бевосита, лекин, турли даражада таъсир кўрсатади;

– ўрмон фонди ерларида фаолият юритувчи турли субъектларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёғоч материалларини ишлаб чиқариш жараёнларининг экотизим хизматлар кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ ҳолда биргаликда кечиши. Чунки, бир ҳудудга хос экотизим хизматларини бошқа ҳудудларга кўчириш ва жорий этиш имконияти йўқ.

Диссертацияда ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга таъсир кўрсатувчи омилларни ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий каби гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқлиги, уларнинг ҳар бирига мос кўрсаткичлар тизими ва баҳолаш усулларини танлаш лозимлиги услубий жиҳатдан асослаб берилди. Улар орасида энг муҳим ва бошқа омилларга ҳам ўзининг таъсирини ўтказадиган гуруҳ бу иқтисодий омиллар бўлиб, уларга ўрмон фонди ерларига ижара тўлови, солиққа тортиш (юримдик шахсларни), харид баҳолари, тўлов тизими, ресурслар баҳоси, экспорт квоталари, кредит ва субсидиялар, тўлов муддат ва шакллари, аҳолининг тўлов қобилияти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва шартнома каби иқтисодий механизмларни киритиш мумкин.

Мамлакатимизда ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тизими илк бор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 993-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низом³”га мувофиқ ўрмончилик амалиётига жорий этилди. Аммо, амалиётнинг кўрсатишича, ушбу низомга асосан белгиланадиган ижара ставкаси ўрмон хўжаликларини ривожлантириш талабларига жавоб бермаслиги сабабли ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда. Шу сабабдан, ижарага берилган ўрмон фонди ер участкалари учун ижара тўлови миқдорини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш ва бу жараёнда, бизнингча, қуйидаги мезон ва индикаторлар асосида табақали коэффицентлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Яъни:

– қишлоқ хўжалиги экинлари (асосан кўп йиллик мевали дарахт ва доривор ўсимликлар)нинг ҳосилга кириш муддати;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг талабгирлиги ва даромад ҳажми;

– режалаштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркиби ўрмон хўжаликлари устувор ривожланиш тамойил ва йўналишларига мослиги;

ўрмон хўжаликлари фаолият олиб бораётган ҳудуднинг инфратузилмаси ва табиий-иқлим омилларининг ҳолати (ёғингарчилик, ҳарорат, шу жумладан, ўсимликлар ривожига кучли салбий таъсир кўрсатувчи ҳарорат даражасига эга кунларнинг ўртача сони, ҳавонинг кескин ўзгариши ва бошқалар).

Юқоридаги мезон ва индикаторлар асосида ўрмон фонди ер участкалари учун ижара тўлови ставкасини табақали ҳисоблаш коэффицентлари ҳудудлар тоифалари ва фаолият турлари бўйича ишлаб чиқилди (1-жадвал).

³ <https://lex.uz/docs/4643150>.

**Ижарага берилган ўрмон фонди ер участкалари учун ижара тўлови
микдорини табақали коэффициентлар асосида ҳисоблаш усули (таклиф)⁴**

Т/р	Фойдаланиш мақсадлари		Худудий жойлашуви ва экин тури бўйича табақали коэффициентлар (K_nXT)			
			Чўл	Тоғ	Водий	Тўқай
1	Ўрмон хўжалигининг концептуал тамойилларига мос (ўрмонзорлар кўпайишига хизмат қиладиган) йўналишлар учун					
1.1	Ўрмон барпо қилиш учун		0	0	0	0
	Тез ўсувчи дарахт плантацияларини барпо этиш учун	Экилгандан кейин дастлабки 3 йил давомида	0	0,35	0,35	0,35
		Дастлабки 3 йилдан кейин	0,3	0,75	0,75	0,5
	Экологик туризм, рекреация, соғломлаштириш ҳамда дам олиш масканлари фаолияти учун (ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар келтирмаслик шarti билан)	Туризм мавсумларида	1	1	1	1
		Бошқа мавсумларда	0,5	0,5	0,5	0,5
	Овчилик фаолияти учун		0,1	0,2	0,2	0,1
	Асаларичилик фаолияти учун	Ўсимликларнинг гуллаш мавсумида	0,3	1	1	0,5
Бошқа мавсумларда		0	0,5	0,5	0,5	
1.2.	Ёнғоқ мевали дарахтзорлар барпо этиш учун	Экилгандан кейин дастлабки 3 йил давомида	0	0,35	0,35	0,35
		Экилгандан кейин дастлабки 3 йилдан кейин	0,3	0,75	0,75	0,5
	Мевали ва манзарали кўчат етиштириш учун	Ўрмон фондини бойитиш мақсадида етиштирилганда	0	0,5	0,5	0
		Бошқа тижорат мақсадларида етиштирилганда	0,3	0,75	0,75	0,5
2.	Ўрмон хўжалигининг концептуал тамойилларига мос келмайдиган (шунингдек, ўрмон билан қопланмаган) ўрмон фонди ерларида маҳсулот етиштириш учун					
2.1	Қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун	Оқар ва ер ости суви билан таъминланган ерлар	0,5	1	1	0,5
		Оқар ва ер ости суви билан таъминланмаган ерлар	0,2	0,5	0,5	0,2
2.2	Доривор ўсимликлар маданий плантацияларини барпо этиш учун	Ёввойи ҳолда тарқалган доривор ўсимликларни орасига қайта экишда	0,5	1	1	1
		Янгидан ташкил этилганда	0,3	0,5	0,5	0,5
2.3	Балиқчилик фаолияти учун	Интенсив балиқчилик	0,3	0,5	0,5	0,5
		Ҳовуз балиқчилиги	0,75	1	1	0,75
2.4	Лимонарий ва иссиқхоналар ташкил этиш учун	Дастлабки 3 йилда	0,3	0,5	0,5	0,3
		Ҳосилга киргандан сўнг	0,5	1	1	0,5

Шунингдек, тадқиқот жараёнида ижарага бериладиган ўрмон фонди ер участкаларига белгиланадиган ижара ставкаларини табақали ҳисоблаш учун куйидаги формула тавсия этилди:

$$Итс = АБ \times K_nXT \times 0,6 \quad (1)$$

Бу ерда: **Итс** – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ижарага берилган ўрмон фонди ерларига иккинчи йилдан бошлаб белгилана-

⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

диган ижара тўлови ставкаси, сўм; **АБ** – очик аукцион савдоларда ижарага олинган ўрмон фонди участкаларининг аукцион баҳоси, сўм; **К_нХТ** – ўрмон фонди ерларининг жойлашган жойи, экин тури ва ҳудуд инфратузилмасидан келиб чиққан ҳолда табақали коэффициентлар; **0,6** – электрон онлайн-аукцион қийматининг ўрмон хўжалиги ташкилотларига ҳамда Экология жамғармасига тушадиган улуши.

Ушбу ҳисоблаш усулида аукцион савдоларида белгиланган ижара тўлов суммаси аниқ бўлиб, уни табақалаш коэффициентларини муайян ҳудуднинг жойлашган жойи, шароити ва имкониятлари, ўрмон хўжаликлари ерларидаги мавжуд экин турлари ва маҳсулотлари ҳажми ҳамда улардан олинadиган ўртача даромад, шунингдек, хўжаликларнинг иқтисодий салоҳияти ва маҳсулот турига нисбатан бозор конъюнктурасига мос талаб ва таклифнинг шаклланишига бевосита боғлиқлиги туфайли уларни табақали ижара тўловлари орқали қўллаб-қувватлаш бугунги кунда услубий-амалий ва иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик асосий вазифалардан саналади.

Диссертациянинг “**Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг бугунги ҳолати**” деб номланган иккинчи бобида республикадаги мавжуд ўрмон хўжаликларида экин турлари бўйича банд ер майдонлари ҳажми ва ўзгариши, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турлари ҳажми ва ўзгариши, шунингдек, ўрмон фонди ерларида маҳсулот етиштириш жараёнларидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш мақсадида ўтказилган сўровнома натижалари баён этилган.

Тадқиқот кўрсатишича, 2023 йилда 2017 йилга нисбатан республика ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги экин ер майдонлари бор йўғи 4,7 фоизга ўсган, нисбатан юқори ўсиш суръати эса техник-мойли ва озуқа экинлари (8,5%), сабзавот-полиз ва картошка экинлари (7,7%) ҳиссасига тўғри келган (2-жадвал).

2-жадвал.

Республика ўрмон хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилаётган экин майдони, гектар⁵

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	Йиллар:				2023 й. 2017 й.га нисбатан, %
	2017	2019	2021	2023	
Дон ва дуккакли экинлар	1850	1877	1925	1959	105,9
Сабзавот-полиз экинлари ва картошка	287	292	299	309	107,7
Техник ва мойли экинлар	1089	1105	1133	1182	108,5
Озуқа экинлари	649	658	675	704	108,5
Мевали боғлар ва ёнғоқ мевалилар	25329	25705	26360	26422	104,3
Жами	29203	29637	30392	30576	104,7

⁵ Ўрмон хўжалиги агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

Эътиборли жиҳат шундаки, республикамиздаги мавжуд ўрмон фондининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ер майдонлари таркибида энг катта улуш мевали боғлар ва ёнғоқ мева турларига тўғри келади. Масалан, бу кўрсаткич 2017 ва 2023 йилларда мос равишда 86,7 фоиз ва 86,4 фоизни ташкил этиб, улуш бўйича атиги 0,3 бандга пасайган бўлсада, лекин, 2023 йилда 2017 йилдан таққослаганда мевали боғлар ва ёнғоқ мевали экин майдонлари 4,3 фоизга ошган. Умуман олганда, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари қисман бўлсада кўпайиш тенденциясига эга.

Шунингдек, экинлар ҳосилдорлигининг ошиши эвазига республика ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажми ҳам ўсиш суръатига мойил бўлмоқда. Масалан, бу кўрсаткич 2017 йилда 24,8 минг тонна ва 2023 йилда 29,3 минг тоннани ташкил этиб, шу йиллар ичида 18,1 фоиздан кўпроқ ортган. Таққосланаётган йиллар мобайнида, жумладан, мева 18,2 фоиз, озуқа 17,7 фоиз, сабзавот-полиз ва картошка 17,2 фоиз ҳамда техник ва мойли маҳсулотлар 16,6 фоизга кўпайган (3-жадвал).

3-жадвал.

Республикамизнинг ўрмон хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, тонна⁶

Маҳсулотлар	Йиллар:				2023 й. 2017 й.га нисбатан, %
	2017	2019	2021	2023	
Дон ва дуккакли маҳсулотлар	3827	4242	4350	4419	115,5
Сабзавот-полиз ва картошка	4819	5296	5431	5649	117,2
Техник ва мойли маҳсулотлар	1348	1485	1523	1572	116,6
Озуқа маҳсулотлари	7322	8116	8323	8617	117,7
Мева маҳсулотлари	7638	8386	8600	9027	118,2
Жами	24831	27526	28227	29284	117,9

Умуман, ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ва маҳсулотлари ҳажмининг ортиб бораётганлиги, бизнингча, биринчидан, ўрмон хўжаликларида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш, иккинчидан, хўжаликлар фаолиятини диверсификациялаш, кооперация асосида уларни йирик товар ишлаб чиқарувчи субъектларга айлантириш, учинчидан, атроф-муҳитни асраш ва яшил маконларни кенгайтириш, тўртинчидан, ўрмон фонди худудларида туризм каби ижтимоий соҳаларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратади. Бироқ, шунга қарамасдан, бугунги кунда ўрмон фонди ерлари салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмоқда деб бўлмайди.

Шу боис, изланишлар давомида ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати ва мавжуд муаммолари, маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, хўжаликлар фаолиятини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларни қийнаб келаётган салбий омиллар ва уларни бартараф

⁶ Ўрмон хўжалиги агентлиги маълумотлари асосида тузилган.

этиш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифларни ўрганиш мақсадида Қашақадарё вилоятида жами 120 нафар ўрмон фонди ерларида маҳсулот етиштираётган фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, шунингдек, бошқа шаклдаги хусусий тадбиркорлар ўртасида анкета сўровномаси ўтказилди. Унинг натижаларига кўра, ўрмон фонди ерларидан фойдаланишда асосий муаммолар сифатида 27 фоиз респондентлар унумдор ерни ижарага олишда турли субъектив тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, 24 фоизи ер сервитути масаласининг мураккаблиги, 15 фоизи ижара тўловининг қимматлиги, 18 фоизи эса ортиқча бўғинларнинг кўплиги ва 16 фоизи сотиш билан боғлиқ муаммолар мавжудлигини таъкидлаганлар (1-расм).

Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишдаги асосий муаммолар нимада?



1-расм. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишдаги асосий муаммолар бўйича респондентлар жавобларининг улуши⁷.

Шунингдек, ўрмон фонди ерларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари борасида ўтказилган сўровномаларда респондентларнинг 36 фоизи масофа узоқлиги боис арзон сотишга мажбурлигини, 21 фоизи сақлаш қийинлиги боис анъанавий усулда қуритилиши ва бу маҳсулот баҳосига салбий таъсир қилиши, 25 фоизи маҳсулотнинг кўп қисми оила эҳтиёжига сарфланиши ва асосан маҳалладаги кичик савдо дўконларида сотилиши, 18 фоизи улгуржи воситачи тадбиркорлар икки баробаргача кам баҳо таклиф этиши каби муаммоларни қайд этишган (2-расм).

Юқоридаги муаммолардан ташқари, Қашақадарё вилоятида ўрмон фонди ерларининг асосий қисмида чорва молларининг ўтлатилиши натижасида бошқа асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни ҳимоя қилишнинг тизимли ечимлари ишлаб чиқилмаганлиги ҳам улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, Деҳқонобод ва Китоб туманлари ўрмон хўжаликлари ҳудудларида чорва молларини ўтлатишга ерларни ижарага бериш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Шунингдек, Деҳқонобод ўрмон фонди ерларида доривор ўсимликлар учун ижарага ер олиш ривожланаётган йўналишлардан бирига айланиб қолган. Ачинарлиси, ижара шартномасида доривор ўсимликлар плантацияларини ташкил этиш учун ажратилган майдонларда табиий равишда

⁷ Ўтказилган сўровномалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

тарқалган доривор ўсимликларни тартибсиз йиғилаётганлиги ва уларга шикаст етказилаётганлиги сўровномалар орқали аниқланди. Таъкидлаш жоизки, юқори қийматли доривор ўсимликларнинг табиий тарқалган майдонларини бу тарзда ижарага берилиши ва мониторингининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги бу муҳим соҳага салбий таъсир кўрсатади.



2-расм. Ўрмон фонди ерларида етиштирилган маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ муаммолар бўйича сўровнома натижалари⁸.


Тадқиқотлар кўрсатишича, туман ўрмон хўжалигига қарашли ҳудуд ерларида каврак тарқалган майдонлар сўнгги 10 йилда 50 фоизгача камайиб кетганлиги боис, ушбу ерларга бўлган қизиқишлар пасайган. Шунингдек, ўрмон фонди ерларини ҳозирги ижарага бериш тизими маҳсулот етиштирувчиларни қаноатлантириш даражаси ўрганилган сўровномада респондентларнинг 40 фоизи ижара шартномаси талабга жавоб бермаслиги, 25 фоизи узоқ муддатли ижара шартномаси мавжуд бўлган ҳолатда ҳам қисқа муддатли режалар ишлаб чиқилиши, 18 фоизи ижара шартномаси бандларининг бажарилиши ва уларни бекор қилишда ноаниқлик борлиги ва 17 фоизи эса норасмий ижарани маъқуллашган. Шу боис, истиқболда ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тизимида ҳам бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги ерларини ижарага беришда амал қилаётган аукцион савдолар орқали ўрмон хўжаликлари фаолияти ва маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи дастаклардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг “**Ўрмон фонди ерларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тизимини такомиллаштириш йўналишлари**” деб номланган 3-бобида ўрмон фонди ерларида фаолият юритувчи хўжаликларни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналиш ва механизмлари тадқиқ этилган ҳамда уларни ўрмон хўжалиги амалиётига самарали жорий этиш йўллари асосланган. Шунингдек, ушбу тармоқда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ташкилий-таркибий механизмлари, жумладан, кооперация тамойиллари асосида “Агроўрмон бирлашмалари”ни ташкил қилиш ва унинг иштирокчи субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни такомил-

⁸ Ўтказилган сўровномалар асосида муаллиф томонидан тузилган.

